


**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ



**«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ»
КАФЕДРАСИ**

ИЖТИМОЙ СОҶА ИҚТИСОДИЁТИ

фанидан

КУРС ИШИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА

УСЛУБИЙ ҚўЛЛАНМА

Билим соҳаси:	200 000 – Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ;
Таълим соҳаси:	230 000 – Иқтисод
Таълим мутахассислиги	5A230102- «Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)»

Тошкент - 2016

Ушбу услубий қўлланма 5A230102- «Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)» мутахасислигида таълим олаётган магистрантлар учун мўлжалланган бўлиб, унда «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» фанидан курс иши мавзусини танлаш, мавзуни ёритиш жараёнида адабиётлар билан ишлаш, мавзуга доир маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш, курс ишини таркиби, ҳажми ва уни тартибга келтириш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тузувчилар:

и.ф.н.,доц. Б.Рустамов
ўқ. Б.Турсунов

Такризчилар:

и.ф.н., доц. Д.Бабабекова
и.ф.н., доц. Д.Рустамова

Услубий қўлланма Тошкент молия институти Кенгашининг 2016 йил
_____ сентябрдаги _____ сонли қарори асосида нашрга тавсия этилган

Кириш

Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар жамиятни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришга қаратилган таълим тизимини барпо этишни талаб этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги қонун қабул қилинди ва мазкур ҳужжат асосида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмоқда. Таълимнинг янги моделини қабул қилишнинг асосий мақсади мамлакатимизни ўз имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланган ҳолда унинг тараққиётини таъминлашдан иборатдир.

Мамлакатимизда таълимга миллатнинг маънавий ва маданий ривожланиши, унинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш омили сифатида, қаралмоқда, шу сабаб «...янги давлат барпо этишда миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбияланган, мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим, принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга»¹ деб эълон қилинган.

Сўнгги йилларда иқтисодиётимизда туб таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини изчиллигини таъминлашда ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир давлат дастурларининг устуворлигини таъминлаш, бу борада мавжуд ислохотлар стратегиясини мустаҳкамлаш ва уни амалга ошириш йўналишларини шакллантиришга доир вазифаларни илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиш бугунги кун иқтисодиёти олдида турган долзарб вазифаларни ўзида акс эттиради. Натижада ижтимоий соҳа иқтисодиёти учун малакали кадрларга бўлган талаб ҳажми ортиб боради.

Бюджет маблағларидан ижтимоий соҳа фаолиятини ривожлантириш мақсадида ажратилаётган кўрсаткичларнинг ўсиб бориши соҳага қаратилган эътиборнинг йилдан йилга ортиб боришига асос бўлади. Жорий йилда ҳам ижтимоий соҳага давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи йўналтирилди. Бу ҳақида мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни эътироф этди: «2016 йилда ижтимоий соҳага Давлат бюджети жами харажатларининг 59,1 фоизи ёки ўтган йилга

¹Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли/ Халқ сўзи. – 2007 йил 31 август.

нисбатан кўпроқ маблағ ажратилади. Жумладан, таълим-тарбия соҳасига давлат бюджети харажатларининг 33,7 фоизи, соғлиқни сақлаш тизимида 14 фоизи йўналтирилади. Таълим-тарбия соҳасини таъминлаш ва ривожлантириш сарф-харажатлари ўтган йилга қараганда 16,3 фоизга, соғлиқни сақлаш тизимида 16 фоизга кўпаяди»².

Юқоридаги ҳолатларни илмий-назарий асосда атрофлича ўрганишга хизмат қилувчи мазкур услубий қўлланма таълим стандарти ҳамда намунавий ўқув дастурига мувофиқ ҳолда шакллантирилган бўлиб, 5A230102- «Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)» мутахассислигида таълим олаётган магистрантлар учун мўлжалланган. Услубий қўлланмада магистрантларни «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» фанидан курс ишларини тегишли тартибда бажаришлари учун услубий кўрсатмалар шакллантирилган.

² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

1. Умумий қоидалар

«Ижтимоий соҳа иқтисодиёти» фанидан курс иши олий таълимнинг давлат стандартлари асосида ишлаб чиқилган мутахассислик йўналишларининг ўқув режаларида кўзда тутилган тартиб қоидаларга асосан шакллантирилади.

Курс иши мутахассислик йўналишларида фанни ўзлаштиришга якун ясовчи мустақил илмий-амалий тадқиқот иши ҳисобланиб, ўзида магистрантнинг аудитория соатлари мобайнида олган назарий ва амалий билим кўникмаларини янада мустаҳкамлаш, олган билимларини ижтимоий соҳа йўналишлари доирасида қўллай олиш, ижтимоий соҳани бошқариш, ижтимоий соҳа фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи давлат дастурларини ижроси, соҳа фаолиятини такомиллаштиришга доир меъёрий ҳужжатлар ва адабиётлар билан яқиндан танишиш, фанни ўзлаштириш жараёнида шаклланган ўз шахсий фикр ва мулоҳазаларини, таклифларини билдира олиш кўникмаларини ҳосил қилиш билан боғлиқ ҳолатларни умумлаштиради.

Курс ишини бажаришдан асосий мақсад:

- фан бўйича шаклланган назарий ва амалий билимларни мустаҳкамлаш ва кенгайтириш;
- фан мавзулари юзасидан билимларни муайян илмий, ижтимоий-иқтисодий, маданий вазифаларни ҳал этиш жараёнида қўллай билишни такомиллаштириш;
- илмий-иждодий изланиш орқали мавжуд муаммонинг қўйилиш жараёнидан бошлаб, уни тўла ниҳоясига етказиш бўйича қарор қабул қилишда бўлган маъсулиятни ҳис этишга ўргатиш;
- ижтимоий ислохатларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий соҳа тармоқлари ўртасида реал интеграцион алоқаларни мустаҳкамлаш;
- ижтимоий соҳа фаолиятини тартибга солувчи ҳудудий дастурларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганиш;
- Ўзбекистон Республикасининг мустақил тараққиёт йўлида ижтимоий соҳа иқтисодиётининг тутган ўрнини таҳлил этиш ҳамда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган ислохатлар стратегиясини илмий-назарий жиҳатдан асослашни мустақил амалга ошириш кўникмасини шакллантиришдан иборат.

Курс ишини тайёрлаш жараёни ўқув режасига асосан амалга оширилади. Курс иши мавзулари магистрантларга ўқув курсининг бошланишида тақсимланиши ва илмий раҳбарлар ўқув юкламасига асосланган ҳолда бириктирилиб, кафедра мажлисида тасдиқланиши лозим.

Илмий раҳбар ва магистрант ўртасида амалга ошириладиган ишлар бўйича топшириқнинг тақвимий режаси тузилади, тақвимий режа кафедра мудири томонидан тасдиқланади.

Курс иши назарий ва илмий изланиш характериға эға бўлиб, қўйилган барча вазифаларни ҳал этишға қаратилиши лозим. Унда магистрант ижтимоий муҳитни мураккаб жараёнларини қай даражада илмий таҳлил услуби асосида ҳал эға олганлиги, назарий билимларини амалий изланиш услублари билан уйғунлаштириши, мавзу доирасида амалий ва назарий хулосалар қила олиши ва мавжуд муаммолар юзасидан ўз фикр – мулоҳазаларини, таклифларини билдира олиши шарт. Ишда барча материаллар мантиқий тўғри, исботларға, фикрларға бой, қисқа, беҳато, аниқ ёзилиши, ахборотлар тизимға солиниши ва қайта ишланиши керак.

Курс иши мавзусиға доир адабиётларни ўрганиш магистрантға тадқиқотнинг назарий асослари билан танишиш, амалдаги қонунчилик ва ижтимоий соҳа фаолиятиға давлат дастурларини тадқиқ этиш асосида таҳлилий ишларни ўзлаштириш малакасини шакллантиради.

Мавзу бўйича амалий маълумотлар имкон даражасида сўнгги 5 йиллик маълумотлар асосида таҳлил қилиниши мақсадға мувофиқ. Айрим ҳолларда мавзуга доир ўрганилаётган муаммо бўйича зарурий маълумотларға эға бўлиш учун махсус амалий кузатишлар ўтказилади. Масалан, ижтимоий соҳани молиялаштиришда бюджет маблағларидан фойдаланиш жараёнида ўзгаришлар тенденцияси кузатилина ва тегишли таҳлиллар амалға оширилади. Олинган материалларни таҳлил қилиш натижалари ўрганилгач, курс ишини бажаришнинг мураккаброқ босқичи ҳисобланган хулоса ва таклифларни асослашға киришилади.

Хулоса ва таклифлар бажарилган курс ишининг мазмунини ўзида жамлаши, ҳар бир савол ёритилиши натижасида шаклланган мустақил фикр-мулоҳазалар орқали умумий хулосалар келтирилади.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган хулоса ва таклифлар курс иши ҳимоясининг асосий омили бўлиб хизмат қилади.

2. Курс ишини ёзиш ва расмийлаштириш тартиби

Курс иши компьютер ёзувида асосий қисм ва хулоса билан камида 35-40 бетни ташкил этади. Бунда фойдаланилган адабиётлар ва илова қисми ҳисобға олинмайди.

Курс иши матни стандарт оқ қоғозни бир томонига ёзилади. Оқ қоғоз А4 шаклда, ўлчами 210 мм х 297 мм бўлиши керак. Қоғознинг чап

томонидан 30 мм, ўнг томонидан 15 мм, тепа ва пастки қисмларидан 20 мм жой ташланади.

Курс ишида:

- режа;
- кириш;
- мавзу (5-6 та режа) саволлар асосида ёритилиши;
- хулоса ва таклифлар;
- фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалар акс эттирилади.

Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг услуби ва услубияти, тадқиқотнинг объекти ва предмети, амалий аҳамияти ва ишнинг тузилиш таркиби каби масалалар ўрганилади. Мавзуни ёритишга хизмат қилувчи меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, адабиётлардан олинган фикрлар, рақамларга белгиланган тартибда манбаларга йўналтирилади. Тўпланган маълумотлар жадвалларда, диаграммаларда, графикларда, чизмаларда келтирилади ва ҳар бири кетма-кетликда тартиб рақамига эга бўлади.

Курс ишининг 1-2 режалари танланган мавзунинг назарий асослари, тадқиқотнинг илмий ва услубий жиҳатларини ўрганишга қаратилинади.

Ишнинг 3-4 режаларида танланган мавзу бўйича тегишли таҳлиллар амалга оширилади ва ҳозирги замон амалиёти асосида ўрганилаётган масаланинг амалий жиҳатлари таҳлил қилинади.

Курс ишининг 5 ва 6 режалари натижаларига таянган ҳолда тадқиқотнинг хулоса қисмида муаллиф томонидан ўрганиб чиқилган маълумотларни таҳлил этиш асосида мавзу бўйича услубий ёндошувлар ишлаб чиқилади, амалга оширилган прогнозлар орқали илгари сурилаётган таклифлар илмий-амалий жиҳатдан асосланади. Шунингдек, амалдаги фаолият самарадорлигини таъминлаш имкониятлари, уни такомиллаштириш масалалари бўйича аниқ таклифлар тизими ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхатида курс ишини бажариш бўйича фойдаланилган манбалар рўйхати талаб асосида берилади. Фойдаланилган адабиётларни расмийлаштириш тартиби:

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари ва маърузалари;
- асосий ва қўшимча адабиётлар;
- илмий ишлар, даврий нашр ва статистик тўпламлар ҳамда интернет манбалари.

Адабиётлар қисми расмийлаштирилаётганда қонунлар, фармонлар ва қарорлар, фармойишлар, ҳукумат қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий

ҳужжатлар, сўнгра асосий ва қўшимча адабиётлар алфавит тартибида жойлаштирилади.

Мавзуга билвосита алоқадор бўлган айрим маълумотлар илова қисмида келтирилиб, сўнгра унга мурожат қилиш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётларга мурожаат этилганда ҳавола саҳифанинг пастида кўрсатиб ўтилади.

Иловалар қисмида курс ишининг объекти бўйича олинган амалий ва услубий маълумотлар берилади. Ҳар бир иловага тартиб рақам қўйилиб, мазкур тартиб рақам илованинг тепасида ўнг томонда берилиши керак.

Юқоридаги тартиб асосида ёзилган ва расмийлаштирилган курс иши ҳимоя қилиш кунидан камида бир ҳафта олдин, жилдланган ҳолда илмий раҳбар тақризини олиш учун кафедрага тақдим этилади.

3. Курс ишини бажаришда адабиётларни ўрганиш

Курс иши мавзусини магистрант мустақил равишда амалдаги қонунлар, ижтимоий соҳага доир ҳисобот шакллари, адабиётлар орқали чуқур ўрганади. Тегишли адабиётларни ўрганиш орқали магистрант тадқиқотнинг назарий асосларини ўзлаштиради, амалдаги қонунчилик ва ижтимоий соҳага доир ҳисобот шакллари таҳлилини олиб бориш, ижтимоий ислохотларни амалга ошириш йўналишлари ва тартибини шакллантириш орқали илмий атамаларни ўзлаштиради.

Курс ишини бажариш ижтимоий ислохотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни модернизациялаш ва либераллаштиришни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Президент асарлари, Фармон ва қарорларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг асосий қоидаларини ўрганишни назарда тутди. Мавзу бўйича материаллар ўрганилаётганда даврий нашрларда мавзуга тегишли мақолаларга ҳамда илмий-амалий конференция материалларига алоҳида эътибор бериш керак.

Хулоса ва таклифлар бажарилган курс ишининг мазмунини ўзида жамлаши, ҳар бир савол ёритилиши натижасидаги умумий хулосаларни ўзида акс эттириши лозим.

4. Курс ишига раҳбарлик

Магистрантлар томонидан курс ишларини ўз вақтида бажарилишига кафедра мудир ва кафедра томонидан тайинланган илмий раҳбарлар масъулдирлар.

Курс ишига илмий раҳбарлик қуйидагиларни ўз ичига олади:

- магистрант томонидан мавзуни танлаш жараёнида унинг қизиқишини ҳисобга олиш орқали танланган мавзуни белгиланган вақт давомида бажара олиш қобилятини аниқлаш;
- мавзуга доир адабиётлар ва тегишли расмий статистик манбалардан фойдаланиш борасида тавсиялар бериш;
- магистрантга курс ишининг вазифаси, мақсади, концепцияларини аниқлашда кўмаклашиш;
- ишни талаб даражасида ёзиш ва расмийлаштиришга доир кўрсатмалар бериш;
- бажарилган ишга тақриз ёзиш орқали ишнинг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиш;
- ишни ҳимояга тавсия этиш;
- магистрант томонидан курс ишини ўз муддатида тамомланганлиги ёки кечиктирилаётганлиги юзасидан кафедра мудирини огоҳлантириш.

Курс иши услубий жиҳатдан стилистик ва орфаграфик хатоларсиз ёзилган ва юқорида қайд этилган барча талабларга жавоб берган тақдирда тугалланган иш ҳисобланади ва илмий раҳбар томонидан текшириб имзоланади. Курс иши илмий раҳбар томонидан ёзма тақриз асосида кафедра мудирига ҳимояга тавсия этишга рухсат бериш учун юборилади.

Курс иши илмий раҳбарнинг ёзма тақризи, кафедра мудирининг ҳимояга рухсат этган хулосаси билан кафедра мажлисида шакллантирилган комиссияга ҳимоя этиш учун юборилади. Агар курс иши мавзуси асосида мақола, тезис чоп этилган бўлса, ихтиролар қилинган бўлса, уни тасдиқловчи гувоҳнома, бажарилган ишнинг илмий-амалий қимматга эгаллигини тасдиқловчи ҳужжатлар комиссияга тақдим этилади ва курс ишини баҳолаш жаёнида инобатга олинади.

5. Курс иши ҳимоясини ўтказиш ва баҳолаш тартиби

Белгиланган тартибда расмийлаштирилган курс иши магистрант томонидан илмий раҳбарга тақдим этилади. Илмий раҳбар, курс ишини талаб даражасида бажарилганлигига ишонч билдиргандан сўнг, ишни ўз тақризи билан бирга кафедрага ҳимоя учун тақдим этади. Тақризда магистрантнинг фаоллиги, қабул қилинган қарорларда янгиликлар ва ишнинг бошқа ижобий томонлари келтирилади. Кафедрга тақдим этилган материаллар асосида курс иши магистрант томонидан ташкил этилган комиссияда ҳимоя қилиш учун тавсия этилади. Агарда, комиссия томонидан магистрантнинг курс ишиси ҳимояга киритиш мумкин эмас деб ҳисобланса, масала кафедра мажлисида, илмий раҳбар иштирокида муҳокама этилади.

Курс иши ҳимоясининг кафедра мажлиси баённомаси магистратура бўлими бошлиғи томонидан тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Курс ишини ҳимоя қилиш фан юзасидан магистрантнинг мустақил билимини амалиётга тадбиқ этиш жараёнини баҳолаш бўлиб, ушбу жараён ҳар томонлама комплекс равишда чуқур ўрганилади.

Ҳимоя магистрантнинг ўз иши юзасидан тайёрлаган қисқа (10-15 мин) тақдимотидан иборат. Тақдимотда танланган мавзунинг долзарблиги, қўйилган масалаларнинг мазмуни, фойдаланилган манбаларнинг харақтеристикалари, умумлаштирилган хулосалар, муаллифнинг мавзу юзасидан қилган фикр-мулоҳазалари ва таклифлари баён этилади. Иллюстрация сифатида магистрант олдиндан тайёрланган схема, жадвал, график, диаграмма, расмлардан фойдаланиши мумкин. Ҳимояни тугатгач магистрант комиссия аъзоларининг саволларига жавоб беради.

Курс иши ҳимоясининг натижалари 100 баллик кўрсаткич орқали баҳоланади. Баҳолаш жараёнида:

- 86-100-«аъло»;
- 71-85-«яхши»;
- 56-70-«қониқарли» ва 0-55-«қониқарсиз» баҳоларда аниқланади.

Курс ишига «аъло» баҳо мавзу ҳар томонлама тўғри ёритилган, амалиёт ва ҳозирги замон воқелиги билан уйғунлаштирилган, адабиётлар ва ҳужжатлар билан ишлашда мустақил фикр-мулоҳазалар эркин баён этилган, қўйилган барча талабларга риоя қилинган ҳолатда қўйилади.

«Яхши» баҳо асосий талабларга жавоб берган, талаб этилган материаллар билан таниш, лекин айрим саволларни ёритишга тўлиқ ва ҳар томонлама жавоб бера олмайдиган, айрим камчиликлари бор ишга қўйилади.

«Қониқарли» баҳо талабларга жавоб берадиган, лекин магистрант томонидан саволларгa юзакироқ жавоб берилган, расмийлаштиришда камчиликларга йўл қўйилган ишларга қўйилади.

«Қониқарсиз» баҳо қўйилган талабларга жавоб бермайдиган, ёмон ёзилган ишларга қўйилади.

Курс ишининг натижалари ҳар бир магистрантга алоҳида тўлдирилган протокол орқали расмийлаштирилади.

Курс иши ҳимоясидан «қониқарсиз» баҳо олган магистрантлар йўл қўйилган хато ва камчиликларни тўғирлаган ҳолда магистратура бўлими раҳбарияти томонидан кафедра ҳимояси учун қайтадан тавсия этилади.

**6. 5A230102- «Иқтисодиёт (ижтимоий соҳа иқтисодиёти)» йўналиши
бўйича тавсия этиладиган курс иши мавзулари**

№	Мавзулар номи
1.	Ўзбекистон Республикасида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўналишлари
2.	Аҳоли даромадлари ва улар миқдорининг ўсиш тенденцияси
3.	Ўзбекистонда ижтимоий таъминотнинг ривожланиш концепцияси
4.	Ўзбекистонда туризм соҳасини ривожлантиришнинг устивор йўналишлари
5.	Ўзбекистон Республикасида ижтимоий соҳани молиялаштириш тизими
6.	Туризмни давлатлараро муносабатларни ривожланишидаги ўрни
7.	Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг хорижий мамлакатлар тажрибасидан самарали фойдаланиш имкониятлари
8.	Республика аҳолисини турмуш самарадорлигини оширишда уй-жой, коммунал хўжалиги хизматининг ўрни
9.	Ижтимоий соҳани моддий-техник базасини такомиллаштиришда лизинг хизматларининг ўрни
10.	Ўзбекистонда маданий ва тарихий туризмнинг ривожланиши
11.	Транспорт хизматлари бозорида рақобатбардошлиқни таъминлаш муаммолари
12.	Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятида бозор ислохотларини чуқурлаштириш масалалари
13.	Ўзбекистонда туристик хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари
14.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда меҳнат бозорининг ўрни
15.	Таълим муассасаларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетнинг роли
16.	Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини тартибга солишда дастурий мақсадли усуллардан самарали фойдаланиш масалалари
17.	Таълимни модернизациялашда инновацияларни қўллашнинг устувор йўналишлари
18.	Соғлиқни сақлаш тизимида тадбиркорлик ва тиббиётдаги тадбиркорликка қўйиладиган талаблар
19.	Меҳмонхона хизматларни ташкил қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш
20.	Ижтимоий ҳимоя тизимининг жаҳон тажрибаси
21.	Олий таълим ва меҳнат бозорлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликни

	кучайтириш йўллари
22.	Аҳоли турмуш даражаси ва Ўзбекистонда уни ошириш имкониятлари
23.	Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалик корхоналарини жойлаштиришнинг минтақавий хусусиятлари
24.	Фан ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишлари
25.	Ижтимоий соҳада солиқ тизимини такомиллаштириш масалалари
26.	Маиший хизмат кўрсатиш корхоналари ўртасида рақобат муҳитини шакллантириш орқали хизмат сифатини ошириш истиқболлари
27.	Аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни
28.	Ўзбекистонда экологик туризмни ривожлантириш йўллари
29.	Даволаш ва соғлиқни тиклаш туризмни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари
30.	Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришни такомиллаштириш йўллари
31.	Спорт туризмни ташкил қилишнинг ўзига хос хусусиятлари
32.	Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш йўллари
33.	Спортни ривожлантиришни баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрни
34.	Аҳолини ижтимоий ҳимоялашни такомиллаштириш йўллари
35.	Аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда ижтимоий хизматларнинг ўрни
36.	Ижтимоий соҳада тадбиркорлик фаолияти ва уни ривожлантириш муаммолари
37.	Нодавлат тиббий муассасалар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали тиббий хизматлар сифатини ошириш имкониятлари
38.	Ўзбекистонда замонавий тиббий хизматларни ташкил этиш масалалари
39.	Таълим хизматларини ташкил этишда нодавлат таълим муассасаларининг ўрни
40.	Таълим тизимида рақобат муҳитини ривожлантириш орқали инновацион иқтисодиётни шакллантириш истиқболлари
41.	Тиббий муассасаларда харажатлар таҳлили ва улар самарадорлигини ошириш йўллари
42.	Миллий туризмда хусусий секторни ривожлантириш истиқболлари
43.	Ўзбекистонда меҳмонхона ва ресторан хўжалигини ривожлантиришнинг минтақавий имкониятлари

44.	Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлашни ривожлантириш йўналишлари
45.	Ўзбекистонда нафақа таъминотини такомиллаштириш истиқболлари
46.	Таълим хизматларини ривожлантириш муаммолари ва уларни ҳал этиш йўллари
47.	Ўзбекистон Республикаси Пенсия жамғармаси даромадлари таркибини такомиллаштириш йўллари
48.	Автомобиль йўлларини ривожлантириш учун Республика йўл жамғармаси маблағларидан самарали фойдаланиш масалалари
49.	Ўзбекистонда ижтимоий ислохотлар стратегияси ва уни амалга ошириш йўналишлари
50.	Республикада соғлиқни сақлаш муассасалари фаолиятини молиялаштиришнинг устувор йўналишлари
51.	Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг Шарқий Осиё мамлакатлари модели ва унинг ўзига хос жиҳатлари
52.	Тиббий муассасалар ва тиббий хизматлар бозорини давлат томонидан тартибга солиниш сабаблари ва услублари
53.	Ресторан менежменти ва уни ривожлантириш истиқболлари
54.	Ўзбекистонда таълим тизимини бошқаришнинг илмий асослари ва стратегияси
55.	Ўзбекистонда туристик маҳсулотларга истеъмолчиларни жалб қилиш ва мойиллигини ошириш йўлида диверсификациялашнинг ўрни
56.	Таълим хизматлари бозорининг инновацион ривожланиш тамойиллари
57.	Жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш орқали интеллектуал ресурсларни шакллантириш ва бошқариш масалалари
58.	Таълим сифатини оширишда инновацион ҳамкорликнинг роли
59.	Ўзбекистон Республикасида демографик ҳолатнинг давлат Пенсия тизимини молиявий барқарорлигига таъсири
60.	Аҳолини ишсизликдан ҳимоя қилишнинг бозор механизмини такомиллаштириш
61.	Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ижтимоий хизматларни ташкил этишнинг ҳудудий даражасини такомиллаштириш
62.	Халқ таълими тизими харажатларидан мақсадли ва самарали фойдаланишни такомиллаштириш масалалари
63.	Меҳнат бозорида бандликни тартибга солишнинг давлат механизмини такомиллаштириш
64.	Ижтимоий соҳа тармоқларида суғурта фаолиятини ривожлантириш

	муаммолари
65.	Меҳмонхона хизматлари самарадорлигини оширишда талабни таҳлил қилиш ва башорат қилиш йўллари
66.	Ресторанларда туристларни овқатлантириш жараёнини такомиллаштириш
67.	Меҳмонхона ва ресторан хизматларини бошқаришнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш
68.	Таълим сифатини оширишда инновацияларнинг роли
69.	Олий таълим муассасалари инновацион стратегиясини шакллантириш ва бошқариш масалалари
70.	Ривожланаётган мамлакатларда хусусий Пенсия фондларининг тараққиёти
71.	Олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш механизмини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш йўллари
72.	Пенсия тизимини ташкил этишнинг ҳозирги замон моделлари ва улардан Ўзбекистон амалиётида фойдаланиш имкониятлари
73.	Ижтимоий соҳада халқаро ҳамкорлик алоқаларини ташкил этишнинг устивор йўналишлари
74.	Меҳмонхона комплексида рақобатбардош хизматларни ташкил қилиш ва баҳолаш
75.	Ўзбекистонда Пенсия жамғармаси даромад манбаларини кенгайтириш йўналишлари
76.	Ижтимоий хизматлар бозорини тартибга солишнинг бозор механизмини такомиллаштириш
77.	Ижтимоий соҳада фаолият кўрсатувчи кичик бизнес субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш йўналишлари
78.	Ўзбекистонда давлатнинг туризм соҳасидаги сиёсати ва уни амалга ошириш механизми
79.	Глобаллашув шароитида туризм бозорини такомиллаштириш истиқболлари
80.	Халқаро туризмнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашувидаги муаммолар
81.	Ижтимоий соҳа хизматларига бўлган эҳтиёжни аниқлаш хусусиятлари
82.	Соғлиқни сақлаш соҳасида бозор муносабатларининг ўрни
83.	Ижтимоий соҳани ривожланишда маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва вазифалари
84.	Республикада самарали бандлик сиёсати орқали меҳнат бозори

	барқарорлигини таъминлаш
85.	Узлуксиз таълим тизими орқали ижтимоий ислохотлар самарадорлигини ошириш йўллари
86.	Меҳмонхона хизматлари бозорида ахборот технология-ларидан фойдаланишни такомиллаштириш
87.	Таълим хизматлари бозорини ривожлантиришнинг жаҳон тажрибаси
88.	Бозор ислохотларини чуқурлаштириш шароитида ижтимоий ҳимояни амалга оширишнинг назарий асослари
89.	Ижтимоий соҳа тармоқларига чет эл инвестицияларини жалб қилишни такомиллаштириш
90.	Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш тармоғининг кўрсаткичлари таҳлили ва ривожлантириш йўналишлари
91.	Ресторан бизнесини ривожланишига талаб ҳамда таклиф омилларининг таъсирини ўрганиш ва таҳлил этиш
92.	Умумий овқатланиш корхоналари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш
93.	Ишсизликнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари ва уни бартараф этиш йўллари
94.	Ижтимоий соҳада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб қувватлаш тизимини такомиллаштириш
95.	Сервис соҳасида кадрларни тўғри танлаш ва уларни қайта тайёрлаш муаммолари
96.	Иқтисодий тараққиётда йўл-транспорт тизимини ривожлантиришнинг аҳамияти
97.	Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни молиявий жиҳатдан таъминлаш
98.	Хорижий мамлакатларнинг инновацион таълимни ривожлантириш тажрибаси
99.	Ўзбекистон Республикасида маданий меросни ривожлантириш орқали туризм хизматларини такомиллаштириш
100.	Соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилишда халқаро ҳамкорликнинг ўрни

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар

- 1.1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: «Ўзбекистон», 2014 й
- 1.2. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, 1997 й
- 1.3. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, 1996 й
- 1.4. Ўзбекистон Республикасининг «Туризм тўғрисида»ги Қонуни, 1999 йил
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги Қонунининг янги таҳрири, 2015 йил
- 1.6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг Янги босқичи тўғрисида»ги ПФ-2832 – сонли Фармони 2001 йил 17 апрел
- 1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Турар жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини ривожлантиришнинг қўшимча чоратadbирлари тўғрисида»ги ПФ – 3038 – сонли Фармони 2002 йил 26 феврал
- 1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги ПФ-3923-сонли фармони 2007 йил 19 сентябр
- 1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика тиббиёт муассасалари фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чоратadbирлари тўғрисида»ги ПК-700-сонли Қарори 2007 йил 2 октябр
- 1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда инфратузилма, транспорт ва коммуникациялар қурилишини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида» ги 1446-сонли Қарори 2010 йил 21 декабр.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

- 2.1. Каримов И.А.Ўзбекистон буюк келажак сари.-Т.:«Ўзбекистон», 1999 йил
- 2.2. Каримов И.А.Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.:«Ўзбекистон», 1999 йил

- 2.3. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз—жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005 йил
- 2.4. Каримов И.А. Юксак маънавият— енгилмас куч. –Т.: «Маънавият», 2008 йил
- 2.5. Каримов И.А.Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. –Т.: «Ўзбекистон», 2008 йил
- 2.6. Каримов И.А. «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари». – Т.: «Ўзбекистон», 2009 йил
- 2.7. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш. – Т.: «Ўзбекистон», 2010 йил
- 2.8. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида. –Т.: «Ўзбекистон», 2011 йил
- 2.9. Каримов И.А. «Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир». –Т.: «Ўзбекистон», 2015 йил
- 2.10.Каримов И.А. Мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси

III. Асосий адабиётлар

- 3.1. Қутлимуротов Ф. Туризм иқтисоди. Ўқув қўлланма. -Т.: ТДИУ, 2009 йил
- 3.2. Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатов М. «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти». Дарслик.-Т.: ТДИУ, 2010 йил
- 3.3. Абдурахмонов Қ.Х., Абдураманов Х.А. “Аҳоли турмуш тарзи ва даромадлари”. Ўқув қўлланма.-Т.: ТДИУ, 2011 йил
- 3.4. Ёдгоров В.У., Бутунов Д.Я. «Уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодиёти ва бошқаруви». Дарслик. Т.: ТАҚИ, 2012 йил
- 3.5. Ёдгоров В.У. «Коммунал хўжалиги иқтисодиёти».Ўқув қўлланма. Т.: -2007 йил
- 3.6. Хаитов.А, Зиядуллаев.М. “Ўзбекистонда пенсия таъминоти ва хориж тажрибаси”. Т.: «Адолат», 2011 йил
- 3.7. Жулидов С.Б. The Travel and Tourism Industry: учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2007 йил
- 3.8. Кукушина В.С. Социальная защита населения. Учебное пособие. М.: ИНФРАМ, 2007 год

- 3.9. Камилова Ф.К., Рузиев С.С. Туризм маркетинги. Ўқув қўлланма.Т.: ТДИУ, 2007 йил
- 3.10.Пардаев А, Норчаев А. Халқаро туризм. Дарслик. - Т.: ТДИУ, 2010 йил

IV.Қўшимча адабиётлар

- 4.1. Абулқосимов Ҳ.П. Шаклланаётган бозор иқтисодиётида инсон омили ва уни фаоллаштириш йўллари. – Тошкент:ТМИ, 2005 йил
- 4.2. Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта бозори. Ўқув қўлланма.Т.:«Янги авлод», 2013 йил
- 4.3. Абдурахмонов Қ.Х., Абдурахмонов Х.Х., Қурбониезов И.Р. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010
- 4.4. Филипповский Е.Е. Шмарова Л.В. Экономика и организация гостиничного хозяйства. – М.: ФиС, 2005 год
- 4.5. Абдурахмонов Қ.Х., Муртазаев Б.Ч. Меҳнат бозори. Ўқув қўлланма.Т.: ТДИУ, 1999 йил
- 4.6. Myles.G. Public Economics. Cambridge University Press, 2005 year
- 4.7. Brovning E., Brovning J. Public Finance anf the Price System.4th ed.Macmillan, 2014 year
- 4.8. Amin, A. “Extraordinarily ordinary: working in the social economy”, Social Enterprise Journal, Vol. 5, No. 1, pp. 30-49 (2009)
- 4.9. Kerlin, J. “A comparative analysis of the global emergence of social enterprise”, Voluntas, Vol. 21, No. 2, pp. 162-179 (2010)
- 4.10.Хайек Ф.А. Индивидуализм и экономический порядок.М.: Изограф; Начала-Фонд, 2000 год
- 4.11.Эрроу К.Дж. Общее экономическое равновесие.М.: Норма, 2008 год
- 4.12.Зияев Т.М. Ишчи кучи бандлик назариялари. - Т.: ТДИУ, 2007 йил

ИЛОВАЛАР

1-Илова

Ижтимоий соҳа иқтисодиёти фанидан магистрантга курс ишини бириктирилиши

Тошкент молия институти

«Иқтисодиёт назарияси» кафедраси мудири _____

_____ гуруҳи магистранти _____ номидан

АРИЗА

Менга «Ижтимоий соҳа» иқтисодиёти фанидан «_____

_____»

мавзусидаги курс ишини бажаришга рухсат беришингизни сўрайман.

(имзо, сана)

Ф.И.Ш

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ
«ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ» КАФЕДРАСИ

«ИЖТИМОЙ СОҶА ИҚТИСОДИЁТИ» ФАНИДАН

КУРС ИШИ

Мавзу:

Бажарди: _____ гуруҳи магистранти _____

Текширди: _____

Курс иши кафедрада рўйхатга олинди «____» _____ 201__ й.		Курс иши тақриздан қайтарилди «____» _____ 201__ й.
Курс иши ҳимоя қилинди «____» _____ 201__ й.	_____ (имзо)	Комиссия аъзолари: _____
Баҳо «____» _____	_____ (имзо)	_____

ТОШКЕНТ – 201_


**Мавзу: Ўзбекистонда ижтимоий ислохотлар стратегияси ва уни амалга
ошириш йўналишлари**

РЕЖА;

- Кириш.....
1. Ижтимоий ислохотлар стратегиясининг илмий-назарий асослари....
 2. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир давлат дастурлари ва уларни амалга ошириш натижалари.....
 3. Ижтимоий соҳада ислохотларни амалга ошириш йўналишлари.....
 4. Ижтимоий соҳани ривожлантиришга доир халқаро ҳамкорлик тамойиллари.....
 5. Ижтимоий соҳа тармоқларининг ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.....
- Хулоса.....
- Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....



1-расм. Ижтимоий соҳада давлат дастурларини шакллантиришнинг асосий йўналишлари¹.



1-диаграмма. Аҳоли реал даромадларининг ўзгариши (ўтган йилга нисбатан % ҳисобида)²

¹ **Манба:** Маълумотларга асосан муаллиф томонидан шакллантирилди

² Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби

Давлат бюджети харажатларида ижтимоий соҳа, таълим ва халқ таълими тизими харажатлари улуши³

Кўрсаткичлар	2014 йил		2015 йил		2016 йил	
	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%	млрд.сўм	%
Давлат бюджети харажатлари (мақсадли фондларсиз)	31425,4	100	36289,8	100	42721,3	100
Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	18493,7	59	21304,6	59	25299,3	59
Таълим	10673,5	34	12960,0	36	14419,3	33
Халқ таълими	7518,9	24	9084,6	25	9793,3	34

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

- I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент Фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари**
- II. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари**
- III. Дарслик ва ўқув қўлланмалар**
- IV. Қўшимча адабиётлар**
- V. Даврий нашрлар, статистик ҳисоботлар ва тўпламлар**
- VI. Интернет сайтлари**

³ **Манба:** Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Мундарижа

Кириш.....	3
1. Умумий қоидалар.....	5
2. Курс ишини ёзиш ва расмийлаштириш тартиби.....	6
3. Курс ишини бажаришда адабиётларни ўрганиш.....	8
4. Курс ишига раҳбарлик.....	8
5. Курс иши ҳимоясини ўтказиш ва баҳолаш тартиби.....	9
6. Тавсия этиладиган курс иши мавзулари.....	11
Адабиётлар рўйхати.....	16
Иловалар.....	19